20 АВГ 1992


# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

● Газета: «Иштирокиюн» (1918 — 1920). «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 164 (21. 263) 1992 йил 20 август, пайшанба ●

ОБУНАЧИГА — 1 СЎМ 50 ТИЙИН
СОТУВДА — КЕЛИШИЛГАН НАРХДА


МУСТАҚИЛЛИК ТИНЧЛИК ҲАМКОРЛИК
ЎЗБЕКИСТОН
1992·1 сентябрь

# МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДА БАЙРАМ РУҲИ ОДИМ ТАШЛАМОҚДА

● БУНЕДКОРЛАРНИНГ ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТИ — МУСТАҚИЛЛИК ЕДГОРЛИГИ ЎРНАТИЛДИ

● БАРЧА ТАШКИЛИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАЙЕРГАРЛИК ИШЛАРИ 25 АВГУСТГАЧА ТУГАЛЛАНИШИ КЕРАК

● ШАҲАР РАЙОНЛАРИДА ТАНТАНАЛАР 28 АВГУСТДАН БОШЛАБ ЮБОРИЛАДИ.



**● Жонажон Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигининг бир йиллигини нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Республика шаҳар ва қишлоқлари байрам либосига бурканаётир. Меҳнаткашлар Тошкентнинг бош тантанагоҳи — Мустақиллик майдонида ўтказиладиган байрам шодиёналари бошланишини интиқлик билан кутмоқдалар.**

КЕЧА газетамизда Мустақиллик майдонида олиб борилаётган қурилиш ишлари ҳақида тўхталиб ўтган эдик. Бу ерда турли бинокорлик ташкилотлари ҳамда пойтахт хўжалигининг корхоналари шу кечакундузда вақтни бой бермай, мўлжалдаги ишларни ўз муддатида бажаришга интилмоқдалар. Кеча монтажчилар дастлабки ғалабага эришдилар — маҳобатли постамент устига Ер шарининг рамзий тимсолини ўрнатдилар. У Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари томонидан тайёрланган, 14 тонна оғирликдаги она заминни ифодаловчи думалоқ шар кўксига Ўзбекистон Республикасининг харитаси тасвири бўрттириб ишланган. Ёдгорликнинг олтинранг алюминдан қўйилганлигининг ўзи бир рамзий маънога эга. У она диёримиз нақадар бойлигини, энг муҳими, одамлари меҳнатсеварлигини, билимдон ва зукколигини, қадриятларимизни ардоқлаб эъзозлаётганини ўзида акс эттириб турагандек. Яна бир янгилик: бундан бир неча кун аввал постаментга давлатимизнинг янги герби тасвири жойлаштирилди.

Байрамни ўтказиш ташкилот комитетининг дастлабки режасида бу ерда ҳарбий парад ўтказиш ҳам мўлжалланган эди. Кейинчалик унга ўзгартишлар ва аниқликлар киритилди. Энди майдонда 31 август ва 1 сентябрда катта халқ сайилларию байрам томошалари ўтказиладиган бўлди. Демак, бунинг учун жуда катта очиқ саҳна зарур. Тошкентдаги 12-бинокорлик трестининг 51- ва 52-қурилиш бошқармалари 1200 квадрат метр жойда, Мустақиллик ёдгорлиги олдида эни 30 ва узунлиги 45 метрли катта саҳна тайёрладилар. Уларни томоша қилиш учун салкам ўн минг кишига мўлжалланган минбарлар бунёд этилмоқда. Айни пайтда Мустақиллик майдонининг Навоий кўчаси тарафдан бошланадиган қисмининг рўпарасида ҳам ишлар қизитиб юборилди. Бу ерда қад ростлаётган «Наврўз» театри олди ва атрофида ер текислаш ишлари, бўлажак фавворалар атрофини кошинлаш, гул ва буталар ўтқазиш, асфальт ётқизиш авж олдириб юборилди. Ҳа, озодалик, орасталик халқимизга хос фазилат. Ахир, ҳайит арафаларида ва ҳайит кунлари ҳар бир хонадон ўз эшиги олдини супуриб-сидириб тозалаши, орасталаши бизга ота мерос-да!

Шаҳримиз турли сайллар, байрам томошалари ўтказишга омилкор бўлиб кетган. Аммо очиқ айтиш керак, катта майдонда бундай тадбир биринчи марта ўтказилиши. У ўзида бир йўла ҳам стадионлар ва майдонларда бўладиган сайлларни, ҳам театрлаштирилган томошаларни бирлаштириши лозим. Байрам тадбирларини кўнгилдагидек амалга ошириш учун, махсус маъмурият тузилганки, у ҳамма ишларни икир-чикиригача ҳисобга олишга ҳаракат қилмоқда. Булар — бунёдкорлик ишларининг барча қисмларида узлуксиз энергия ва сув таъминотини йўлга қўйиш, қурувчилар ҳамда машқ қилаётган санъаткору ҳаваскорларнинг иссиқ-совуғидан хабар олиш, саҳналарни жиҳозлаш ва ҳоказо. Яқинда дирекция аъзоларидан бир гуруҳи Москвага бориб келди. Бу ерда улар пойтахтлик, харьковлик ва загорсклик мутахассислар билан ҳамкорликда мушакбозликни ташкил этиш, ҳаво шарларини учириш билан боғлиқ бир қатор тадбирларни рўёбга чиқаришга келишиб олдилар. Айни пайтда, ўйлашимизча, яқинда Барселонада ўтказилган Олимпиада ўйинларининг очилиш ва ёпилиш тантаналари тажрибасидан ҳам фойдаланилса керак.

**● Шаҳар ҳокимлигидан хабар беришларича, барча ташкилий-техникавий тайёргарлик ишлари асосан 25 августгача тугалланиши керак. 28 августдан эса байрам шодиёналари районларда бошлаб юборилади.**

Э. ХУЖАЕВ.



СУРАТЛАРДА: (юқоридан) 1. Мустақиллик ёдгорлигини ўрнатиш пайти. 2. 51-қурилиш бошқармасининг бригада бошлиғи Василий Хребтов жамоа аъзолари билан бажариладиган ишларни муҳокама қилмоқда. 3. Майдонда томошабинлар учун минбарлар ҳозирланяпти. 4. (ўнгдан юқорида) 52-қурилиш бошқармаси дурадгорлар бригадаси раҳбари Жўра Қосимов.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### УЙ-ЖОЙЛАР ХУСУСИЙЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ТАБАҚАЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида уй-жойлар хусусийлаштирилиши муносабати билан аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш мақсадида:

1. Фуқаролар яшаб турган (доимий рўйхатдан ўтказилган) квартиралар (хоналар) ва алоҳида уйлар қайси идорага қарашли эканидан қатъи назар, улар:

— ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига;

— байналмилал жангчи ногиронлари бўлган оилаларга;

— I гуруҳ кўзи ожиз ногиронлари бўлган оилаларга;

— 18 ёшгача 7 ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган кўп болали оилаларга;

— фарзанд қилиб олинган ва васийликка олинган ота-онасиз етим болаларга;

— уч ва ундан ортиқ меҳнатга яроқсиз оила аъзолари бўлган боқувчисини йўқотган оилаларга;

— ишламайдиган I ва II гуруҳ ногиронларига;

— 1930 — 1950 йилларда қатағон қилинган ва ҳозирги вақтда оқланган кишилари бўлган оилаларга;

— Чернобиль ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этган аъзолари бўлган оилаларга бепул шахсий (ҳиссадор) мулк қилиб берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ичида ушбу Фармон рўёбга чиқарилишини таъминловчи қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1992 йил 19 август

(Фармонга шарҳни иккинчи саҳифада ўқийсиз).

## БУГУНГИ СОНДА:


1-БЕТ:
● ОБУНАЧИЛАРНИ КИМЛАР РАНЖИТМОҚДА?
2-БЕТ:
● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУННИ ОЛИМЛАР ВА МУТАХАССИСЛАР ШАРҲЛАБ БЕРИШАДИ
3-БЕТ:
● ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДХОНАСИДА
4-БЕТ:
● «ХИЁНАТ» МАҚОЛАСИНИ ЎҚИБ


● МУХБИРИМИЗ БОНГ УРАДИ ●

# СИЗ БИЛМАСАНГИЗ КИМ БИЛАДИ?

## РЕСПУБЛИКАДА МАТБУОТ ТАРҚАТИШ АҲВОЛИНИ ТЕКШИРАМИЗ

**Республикамизда вақтли нашрларга обуна қабул қилиш қизғин паллага кирди. Газета ва журналларнинг тақдири кўп жиҳатдан матбуот тарқатиш агентликлари ва алоқа бўлимларида обуна соҳасидаги ташкилий ишлар қандай йўлга қўйилганига ҳам боғлиқ. Биз газетанинг 15 август сонида Жиззах шаҳрида матбуот тарқатиш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини, газетамизга иккинчи ярим йиллик учун обуна бўлган муштарийлар уни ололмаётганликларини, бу эса ўз навбатида келгуси йил учун обуна қилиш ишига салбий таъсир кўрсатаётганини танқид қилгандик. Рўзнома номига республиканинг бошқа вилоят, шаҳар ва районларидан ҳам шундай мазмунда шикоят хатлари кела бошлади. Биз ушбу эътироз ва шикоятларни келтириб чиқараётган сабабларни жойларнинг ўзида ўрганиш учун уларни вилоят мухбирларимизга юборган эдик. Қуйида Қорақалпоғистондан олинган ушбу мақолани эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

**● Биз яқинда Беруний, Тўрткўл, Элликқалъа, Хўжайли районларидаги бир қатор давлат ва жамоа хўжаликларида бўлганимизда кишилар газетадан келганимизни эшитиб, ўзлари обуна бўлган рўзнома ва ойномаларни ололмаётганликларини, бу ишда ёрдам беришимизни илтимос қилишди. Ҳаддан ташқари қимматчилик пайтида бола-чақаларимиз ризқ-насибасидан кечиб, ўзимиз севиб ўқийдиган рўзнома ва ойномаларга обуна бўлдик. Бироқ шу кунгача ана шу рўзномаларнинг бирор сонини ҳам ололганимиз йўқ, дейишди улар.**

БУНИНГ сабабини аниқлаш мақсадида жойлардаги матбуот тарқатиш агентликлари раҳбарлари билан суҳбатлашдик. Обуначилар талаби тўғри. Аммо улар обуначилар ҳақ эканлигини тан олишдию, аммо нима учун рўзнома ва ойномалар вақтида эгасига етказиб берилмаётгани сабабини ўзлари ҳам билмаётганликларини айтдилар.

— Республикамиздаги обуначилар шу йилнинг 1 августидан 959 та «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ва анчагина бошқа рўзнома ва ойномаларни олишлари керак эди. Шу ҳақдаги буюртмани 17 июлда берганмиз, — деди республика матбуот тарқатиш маркази бошлиғининг муовини Р. Уснатдинов Нукус шаҳрида биз билан бўлган суҳбатида. — Бироқ Тошкентдаги мутасадди ташкилотдагилар буюртмани вақтида бермадинглар деган баҳонани қилишди. Биз бу ҳақда республика матбуот тарқатиш маркази раҳбариятига ҳам бир неча марта мурожаат қилдик. Аммо аҳвол ўзгаргани йўқ. Бизнинг бу қийинчиликларимизни ким ечиб беради? Буюртмани наҳотки тартибга солиб туриш мумкин бўлмаса? Биз буюртмаларни одат бўлиб қолганидек ҳар ойнинг 12-куни эмас, балки 22-куни қилиб белгилашни талаб қиламиз. Чунки одамларнинг кўпчилиги ойлик маошларини ҳозир анча кечикиб олишяпти. Шуни ҳам назарда тутиш керак. График дегани ўзгартириб бўлмайдиган нарса эмас-ку, ахир.

Р. Уснатдинов тўғри талаб қўймоқда. Ҳозирги қийинчиликлар пайтида Тошкентдаги матбуот тарқатиш ишларига мутасадди ташкилотларнинг айрим раҳбарлари арзимаган нарсаларни рўкач қилиб, қўшимча муаммо ва қийинчиликларни юзага келтирмоқдалар. Бунга С. Акбаров бошлиқ марказ ишларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Республика матбуот тарқатиш маркази раҳбарияти буюртмани кечикиб топширдингиз деб баҳона излаётгани сабабли қанчадан-қанча обуначилар ўзлари ёзилган рўзномаларни ололмай сарсон бўлиб юришибди. Бунинг устига Қорақалпоғистонда рўзнома ва ойномаларни жойларга етказиб беришда ҳам жиддий камчиликлар содир бўляпти. Одатда Нукус шаҳрига республика газеталари Тошкентдан эрта тонгда соат 7 да келиши керак. Бироқ Тошкент аэропорти ва бошқа тегишли ташкилотлар раҳбариятлари мавжуд графикка амал қилишмаяпти. Июнь ва август ойларида рўзномаларнинг кўпчилик қисми кундуз соат 12-14ларда олиб келинади. Уларни тарқатиш яна ҳам кечикиб кетди.

Обуна қабул қилиш, рўзнома ва ойномаларни тарқатишдаги мавжуд тартибсизликлар келгуси йили учун обуна қабул қилишга таъсир ўтказмайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Республика Алоқа вазирлиги раҳбарияти биринчи навбатда мана шуларни эътиборга олиб иш тутса дуруст бўларди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУШТАРИЙЛАРИГА!

**Қадрдон газетангиз — «Ўзбекистон овози» учун 1993 йилга обуна давом этмоқда. Сиз Янги йилнинг 1 январидан бошлаб газетани мунтазам ўқишни истасангиз, алоқа бўлимларига, обуна қабул қилиш пунктларига ташриф буюриб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиринг.**

**Азиз газетхонлар! «Ўзбекистон овози» дўконларга чекланган миқдорда чиқади, уни сотиб олиш қийин. Шу боис газетага обуна бўлиш мақсадга мувофиқдир. Эслатиб ўтамиз: газета обуначига сотувдагига қараганда анча арзонга тушади.**

**Обуна баҳоси:**
**● БИР ЙИЛГА — 384 СЎМ.**
**● ЯРИМ ЙИЛГА — 192 СЎМ.**
**● УЧ ОЙГА — 96 СЎМ.**

## «УЙ-ЖОЙЛАР ХУСУСИЙЛАШТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АҲОЛИНИНГ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ТАБАҚАЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШГА ОИД ҚУШИМЧА ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА

# Ш А Р Ҳ

Сўнгги йилда бозор муносабатларига ўтилаётгани сабабли аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлашга доир бир қанча аниқ тадбирлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига биноан Улуғ Ватан урушининг ногиронлари ва қатнашчиларига ҳамда уларга тенглаштирилган кишиларга, ўқитувчиларга, тиббиёт ходимлари ва ижодкор ходимларга уй-жойларни бепул хусусийлаштириш ҳуқуқи берилди, уларнинг коммунал хизматларига ҳақ тўлаши соҳасида тегишли имтиёзлар белгиланди.

Ушбу Фармонда эса кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, ногиронларга, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига ҳамда аҳолининг давлат ҳимоясига муҳтож бўлган бошқа тоифаларига навбатдаги ижтимоий кафолатлар берилади.

Фуқароларнинг ана шу тоифасига кимлар киради?

Булар асосан аҳолининг тақдир ва вазият тақозоси билан кун кечиришнинг мураккаб ва оғир шароитига тушиб қолган кам таъминланган табақалари, хусусан:

— ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг 25535 оиласи;

— уч ва ундан ортиқ меҳнатга яроқсиз оила аъзолари бўлган боқувчисини йўқотган 56937 оила;

— 1930 — 1950 йилларда қатағон қилинган ва ҳозирги вақтда оқланган кишилари бўлган 22730 оила;

— ишлай олмайдиган I ва II гуруҳ ногиронлари бўлган 17595 оила, шунингдек, ишламайдиган I гуруҳ кўзи ожиз ногиронлари бўлган 3170 оила;

— байналмилал жангчи ногиронлари бўлган 1451 оила;

— 18 ёшгача 7 ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган 474555 кўп болали оила, шунингдек, ота-онасиз етим болаларни васийликка олган ва фарзанд қилиб олган 256 оила;

— Чернобиль ҳалокати оқибатларини туғатишда иштирок этган аъзолари бўлган 6500 оиладир.

Шу тариқа Ўзбекистон Республикасида 608786 оила республика Президентининг Фармони асосида уй-жойларни бепул хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

Иқтисодий чигалликларга ва республика бюджетининг чекланганига қарамай (юқорида айтиб ўтилган имтиёзлар берилиши натижасида бюджетга 7 миллиард сўмдан ортиқ маблағ тушмайди), мазкур Фармоннинг қабул қилиниши инсонпарварликнинг ва мустақил давлат фуқаролари тўғрисида амалдаги ғамхўрликнинг яна бир далилидир.

## ХДП ҳаётидан

# САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Ульянов районида ХДП аъзоларига партия билети топшириш давом этяпти. Яқинда «Қашқадарё» давлат хўжалигида 120 нафар партия аъзоси янги партия билетларини олди. Улар орасида агроучастка бошлиғи Зиёдулла Мелимуродов, ишчи Розиқ Назаров, Мичурин номли мактаб ўқитувчиси Нормурод Жўраев, меҳнат фаҳрийларидан Қўзибой Қосимов, Худойберди Султоновлар бор.

Партия билетларини ХДП вилоят кенгашининг иккинчи котиби П. С. Бердиев ва Ульянов район партия кенгаши биринчи котиби А. Жабборовлар топширдилар.

**М. КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# СУСТКАШЛИКНИНГ ПАЙТИ ЭМАС

**● Узбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши навбатдаги пленумида партия ҳужжатларини ёзиш ва топширишнинг бориши ва аввалги пленумларда қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини кўриб чиқди.**

ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби А. А. Мирсалимов пленумда вилоятдаги айрим шаҳар ва район партия ташкилотлари номига қаттиқ танқидий фикр-мулоҳазалар билдирди. Ҳокимлар ва партия кенгашлари узвий алоқада иш олиб бормаётган жойларда партиянинг кучи сезилмаяпти,— деди у. — Айрим ҳокимликлардаги раҳбарлар ўзларини шу лавозимга қайси сиёсий ташкилот тавсия этганлигини унутиб қўйганга ўхшайдилар. Мана шундай ҳолларда район ва шаҳар партия кенгашларидан қатъийлик билан иш олиб бориш талаб этилади.

Партия ҳужжатларини топириш даври бошланғич ташкилотлар учун ўзига хос синов кунлари бўляпти. Партия ҳужжатларини тайёрлаш ишига Олтиариқ, Фарғона, Ёзёвон районлари партия кенгашлари жиддий ёндошдилар. Партия билетларини ёзишдан олдин ҳисобот секторлари ҳоналари пухта жиҳозланди. Бошланғич партия ташкилотларида партия аъзолари билан якка тартибда суҳбатлар ўтказилди. Уларнинг фикр-мулоҳазаларидан огоҳ бўлинди. Аммо мана шу муҳим сиёсий кампанияда сусткашликка йўл қўйган партия кенгашлари ҳам бор. Сўх, Ўзбекистон, Боғдод районлари ва Марғилон шаҳрида бу масалада тўла лоқайдлик намоён бўлди. Қўқон ва Марғилон шаҳарлари партия кенгашлари эса ҳужжат ёзиш ва топширишга берилиб кетиб, партия сафларини кенгайтириш масаласини ёддан чиқариб қўйишди.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўрилди. Илгари вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келган А. А. Шерматов вилоят партия кенгашининг котиби этиб сайланди. Вилоят ҳокими М. И. Исломов вилоят партия кенгаши ва ижроия бюросининг аъзоси этиб сайланди. Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг иккинчи котиби М. Қирғизбоев қатнашди ва нутқ сўзлади.

**А. ИБОДИНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ЙЎЛДОШ ШАҲАРЧАДА ТЕЛЕФОН

**● УРГАНЧнинг «Спутник» йўлдош шаҳарчасида минг ўринли телефон станцияси қуриб ишга туширилди.**

Тобора кенгайиб бораётган шаҳарчада ҳозир етти юздан ортиқ хонадон истиқомат қиляпти. Яна бир неча юз хонадонга ер майдонлари ажратиб берилган бўлиб, уй-жойлар қурилиши жадал олиб борилмоқда.

Вилоят алоқа ишлаб чиқариш бошқармасининг ички имкониятлар ҳисобига қарийб 15 миллион сўм сарфлаб қурган телефон станцияси шаҳарча аҳолисига байрам совғаси бўлди. Унинг қуввати тағин минг ўринга кўпайтирилади.

**Эркин МАДРАҲИМОВ.**

*Материалларимиз изидан*

## «ОТАНГ БОЗОР— ОНАНГ БОЗОР-МИ?»

(«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» 1992 ЙИЛ 5 ИЮНЬ).

**● Газетанинг ана шу сонида юқоридаги сарлавҳа остида мақола эълон қилиниб, унда Юнусобод районидаги айрим улгуржи чакана мева-сабзавот дўконларидаги айрим нуқсонлар танқид қилинган эди. Юнусобод район улгуржи чакана мева-сабзавотлар корхонаси раҳбари А. ЮСУПОВ редакцияга қуйидаги жавобни йўллабди.**

— «Отанг бозор — онанг бозор-ми?» мақоласини корхонамиз жамоаси ўртасида кенг муҳокама қилдик. Мажлис қарори ҳамда корхона буйруғига асосан савдо қоидасини бузган 16-дўкон ходимлари маъмурий тартибда жазоландилар. Жумладан, баҳолар устидан назоратни сусайтирганлиги учун мудир ўринбосари С. Умарова ўз лавозимидан четлаштирилди. Нотўғри ахборот бериб, савдо қоидасини бузганлиги учун сотувчи-шогирд Э. Маркаев ўз лавозимидан четлаштирилиб, уч ой муддатга паст маош белгиланган ҳолда омборхона юк ташувчиси лавозимига ўтказилди. Дўкон ходимларига нисбатан назоратни сусайтирганлиги учун (оилавий шароитини ҳисобга олган ҳолда, келгусида бундай ҳолат такрорланса ўз лавозимидан четлаштириш шарти билан) дўкон мудири А. Воҳидовга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Мажлисда иштирок этишган корхона ходимларининг фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олиб, мазкур мақоладан тегишли хулоса чиқариб шаҳар, шу жумладан район аҳолисига намунали савдо хизмати кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

## ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Бухоро вилояти фаолларининг йиғилиши бўлди. Вилоят ҳокими Д. Ёдгоров Мустақиллик байрами кунига тайёргарлик қандай бораётгани, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режалари, қишлоқ хўжалигидаги аҳвол тўғрисида маъруза қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг, республика ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати ҳақида Президент ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов сўзга чиқди, республика Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитетининг раиси М. Мирқосимов Президент фармонлари вилоятда қандай бажарилаётгани ва ижронинг назорати тўғрисида гапирди.

(ЎзА).

**Шу кунларда бутун республикамиз меҳнат аҳли сингари Бешариқ районидаги «Узбекистон» жамоа хўжалиги аъзолари ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллик байрамига муносиб совғалар тайёрлашга ҳаракат қилишаётир. Уларнинг нияти — ҳар гектар майдонда 31 центнердан ҳосил олиш. Бу борада Раҳмахон Қаҳҳорова етакчилигидаги бригада кўпчиликка ўрнак бўлаётир. Юқоридаги суратда Р. Қаҳҳорова билан тажрибали сувчи Абдумўмин Раимов тасвирланган. Пастда эса бригада далаларида ғўзаларга ишлов берилмоқда.**

**Т. МАҲКАМОВ олган суратлар.**

## «Ўзбекистон овози» газетаси редакциясида ўтказилган давра суҳбатида республика фуқаролиги тўғрисидаги Қонун ҳақида фикрлашилди

**● Республикамиз мустақилликка эришганига яқинда бир йил бўлади. Шу қисқа давр мобайнида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй бераётган тарихий воқеалар ўз салоҳияти, муҳимлиги билан нафақат бугунги кун, балки тараққиётимизнинг келажаги учун ҳам мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.**

**Кўҳна заминимизда янги шаклдаги миллий давлатчилигимиз асослари зўр шижоат билан қурилмоқда. Миллий мустақиллигимиз белгилари — байроқ, тамға, миллий армиямизга эга бўлдик. Асосий қонунимиз бўлган Конституция муҳокамага қўйилиш арафасида. Пул бирлигимизга эга бўлиш борасида ҳаракатлар қилинмоқда.**

**Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлайдиган жамоат ташкилотлари тўғрисида, виждон эркинлиги ҳамда диний ташкилотлар ҳақида, ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида ва бошқа қонунлар қабул қилдик. Сўнгги сессияда шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини ўрганувчи республика фуқаролиги тўғрисида қонун қабул қилинди.**

**Энди уни одамларга ҳар томонлама тушунтириб, шарҳлаб бериш керак. Токи, ҳар бир киши ўз ҳуқуқи ва бурчини тўла тушуниб етсин. Шу муносабат билан «Узбекистон овози» таҳририяти бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассислар билан давра суҳбати ўтказди.**

**Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти аппаратининг мукофотлар, фуқаролик ва оқлов масалалари бўйича катта маслаҳатчиси Нурмат АҲМАНОВ, И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Омон ОҚИЎЛОВ, шу институт илмий ходими, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Лола КАРИМОВА, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Эминжон ЭГАМБЕРДИЕВ, Тошкент ҳуқуқшунослик олий билимгоҳи талабаси Георгий КИРИЛЛОВлар иштирок этишди:**

СУРАТДА: давра суҳбати иштирокчилари. М. БОЛТАБОЕВ олган сурат.

# ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИК ВА ЭРКИНЛИК КАФОЛАТИ

**— Республика фуқаролиги тўғрисидаги Қонун Ўзбекистонда биринчи марта эълон қилинди, деяпмиз. Айтингларчи, фуқаролик ҳолати масалалари илгари қонуний мустаҳкамланган эмасмиди!**

**Лола КАРИМОВА:** — Қонун республикамизда яшаётган ҳар бир кишига тааллуқли бўлгани учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Табиийки, фуқаролик нима деган савол туғилади. Фуқаролик — давлат билан жисмоний шахс ўртасидаги барқарор ҳуқуқий алоқа бўлиб, бу ҳуқуқий алоқа уларнинг бир-бири олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқади.

Юридик маънодаги фуқаролик шахснинг мазкур давлатга тааллуқлилигини кўрсатади. У ёки бу давлат фуқаролиги фуқаронинг қаерда бўлишидан қатъи назар, мазкур давлат ўз фуқаросининг ҳомийси ва ҳимоячиси эканлигини, унинг шу фуқаро устидан суверен ҳокимлик ҳуқуқини тасдиқлайди.

Узбекистон Республикасининг фуқаролиги — давлат мустақиллигининг белгисидир. У мазкур давлатга мансубликни ўрнатиб, фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчлари айнан Ўзбекистон Республикаси томонидан ҳимоя қилиниши ва паноҳига олиниши таъминлайди.

Узбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисидаги қонун республикамиз тарихида биринчи марта Ўзбекистон фуқаролиги ҳуқуқий мақомини қонуний мустаҳкамлади. Яқин тарихимизга назар ташласак, фуқаролик ҳолати масалалари собиқ ССР Иттифоқи тасарруфида бўлиб, Иттифоқда ягона фуқароликнинг мавжудлиги, фуқароликка қабул қилиш, ундан чиқиш ҳоллари, фуқароликдан маҳрум қилиш ва бошпана бериш ваколати СССР Олий Совети Президиумига берилган ва конституцион мустаҳкамлаб қўйилган эди.

Фуқаролик масалалари шунингдек, СССРнинг 1978 йилдаги Гражданлик тўғрисидаги қонуни билан ҳам тартибга солинар эди. Амалдаги Ўзбекистон Конституциясининг бешинчи бобида Ўзбекистон гражданлиги масалалари ёритилган. Гарчанд Конституцияда фуқароликка оид эркинликлар берилган бўлсада, тоталитар тузум даврида улар формал характерга эга эди. Ўзбекистон фуқаролиги тўғрисидаги масала Иттифоқ тугатилмаган вақтда ҳам кўтарилган ва у натижасиз қолган эди.

Мана, ниҳоят, Ўзбекистон фуқаролиги тўғрисида Қонун қабул қилинди. Унда Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш асослари, қабул шартлари, фуқароликни тўхтатиш сабаблари, фуқароликдан чиқиш ва фуқароликни йўқотиш ҳоллари, шунингдек фуқаролик ишларини юритувчи давлат органларининг тизими ва кафолатлари, шу масалага оид ишларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари белгиланган.

**— Фуқаролик тўғрисидаги Қонунни ишлаб чиқишда чет мамлакатлар тажрибаси ҳисобга олиндими!**

— Ўзбекистон дунёнинг энг нуфузли ташкилоти — Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Унинг халқаро ҳужжатларини тан олди ва ўз ҳуқуқий тизимини, сиёсатини халқаро ҳуқуқнинг умуман тан олинган принциплари асосида қурмоқда. Худди шунингдек, республикамиз Хельсинки жараёни, деб юритиладиган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашига аъзо бўлди. Унинг Якунловчи актини имзолади.

Узбекистоннинг фуқаролик тўғрисидаги Қонунда кўзда тутилган тенглик принципи ушбу халқаро ҳужжатларга тўла мос келади. Чунончи, БМТ Бош Ассамблеяси 1948 йилда қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумий Декларациясида ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, миллий, ижтимоий келиб чиқиши, мулкий, табақавий ва бошқа фарқларидан қатъи назар барча ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиши керак, деб эълон қилинган.

Мазкур қонун ҳам Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий ҳолати, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тили, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулотларнинг тури ва савиясидан қатъи назар қонун олдида тенгдигини мустаҳкамлаган.

Қонунда кўзда тутилган бу ҳолат бевосита инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш ва уларни амалга ошириш учун қулай шароит яратади. Хельсинки Кенгашининг 1975 йилда қабул қилинган Якунловчи актида инсон ҳуқуқлари, ғоя эркинлиги, виждон, дин ва эътиқодни ўз ичига олувчи инсонларнинг асосий эркинликларини ҳурматлаш, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг асосий принципларидан бири эканлиги белгиланган.

**— Қонунда Ўзбекистон фуқаролигини олиш масаласига қандай ёндошилган!**

**Эминжон ЭГАМБЕРДИЕВ:** — Қонунда кўзда тутилган ҳолатлардан яна бири Ўзбекистон фуқаролигини олиш масаласидир. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги боланинг туғилиши билан шахси Республика фуқаролигига қабул қилиниши натижасида халқаро шартномаларда назарда тутилган асослар бўйича ва шу қонунда кўзда тутилган бошқа асослар бўйича олинади.

Никоҳда бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлган шахслардан туғилган бола қаерда туғилишдан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Бу борада боланинг туғилган пайти ота-онасининг Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эканлиги асосий роль ўйнайди. Турли фуқароликка мансуб бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган шахсдан туғилган боланинг фуқаролиги ўзига хос хусусиятга эга. Бундай хусусиятлардан бири боланинг Республикамиз ҳудудида туғилган бўлишлигидир. Агар отаси ёки онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб, иккинчиси бошқа давлатнинг фуқароси бўлса бола Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади. Чунки боланинг Ўзбекистон Республикасида туғилганлиги фуқароликни белгилашда асосий омил ҳисобланади. Ота-онанинг бири Ўзбекистонда доимий яшаш жойи бўлса ҳамда у жумҳурият фуқароси бўлса, бола бошқа мамлакатда туғилса ҳам у Ўзбекистон фуқароси бўлиши мумкин. Яна, шуни айтиш керакки, ота-онадан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлса-ю, бола туғилган пайтда Республикамиз ҳудудидан ташқарида доимий истиқомат жойига эга бўлса, боланинг фуқаролиги ота-онасининг ҳоҳиши бўйича, яъни ёзма тарзда ёки ифодаланган келишувга асосан белгиланади. Демак, ота-она ўз келишувида боланинг қайси давлат фуқаролигини олишини кўрсатган бўлсалар, болага шу давлат фуқаролиги берилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахс билан фуқаролиги бўлмаган, ёхуд, номаълум бўлган шахс ўртасида туғилган бола қаерда туғилишидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Агар бола фуқаролиги бўлмаган онадан туғилган бўлса ва боланинг отаси белгиланиб, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлса, 14 ёшга тўлмаган бола қаерда туғилишидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади. Бу ҳолат никоҳда бўлмаган эр ва хотиндан туғилган болаларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Бола фуқаролиги бўлмаган шахслардан туғилган бўлса-ю, ота-онаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий истиқомат жойига эга бўлса, унга нисбатан фуқароликни белгилашда, боланинг қаерда туғилганлиги асос қилиб олинади. Агарда бола Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган бўлса, бола Ўзбекистон Республикаси фуқароси ҳисобланади.

Ота-онаси номаълум бўлган болалар учун фуқароликни белгилаш ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Бунинг хусусияти шундан иборатки, бола Ўзбекистон ҳудудида яшаб турган бўлиши керак. Шундагина улар ота-онаси номаълум бўлсалар ҳам Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланадилар.

**— Чет элликлари Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилиш масаласига тўхталсангиз.**

**Нурмат АҲМОНОВ:** — Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш чет эл фуқаролари бўлмаган шахсларнинг илтимосига кўра, биринчидан, чет эл фуқаролигидан воз кечган, иккинчидан сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон ҳудудида доимий яшаган, учинчидан, тирикчилик манбалари мавжуд бўлган, тўртинчидан, Республикамиз Конституциясини тан олиб уни бажарадиган шахслар қабул қилинади.

**— Демак, фуқароликка қабул қилинадиган чет эллик шахсларнинг деярли барчаси, юқоридаги шартлар асосида қабул қилинаверар эканда!**

— Йўқ, қонун чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг илтимосини рад қилиш асосларини санаб ўтган. Масалан, шахс Республикамиз Конституциявий тузумини зўрлик ишлатиб ўзгартиришни ёқлаб чиқса, Конституциямиз принципларига зид бўлган ташкилотларга, партияларга аъзо бўлса, биздаги қонунчиликка зид келадиган ҳаракатлари учун озодликдан маҳрум этилган бўлса, жазони ўтаётган шахснинг илтимосини қондирмаслиги мумкин.

**— Чет элда яшовчи ўзбекистонликларнинг фуқаролиги қандай бўлади! Узбекистон фуқаролигини йўқотиш мумкинми!**

— Ўзбекистон фуқароси ҳисобланган шахсларнинг чет элларда яшаши, улар фуқаролигининг тўхташига олиб келмайди. Улар Ўзбекистон паноҳида ва ҳимоясида бўладилар.

Қонун фуқароликни йўқотиш ҳолларини ҳам кўзда тутган. Узбекистон фуқаролари чет элда ҳарбий хизматга, хавфсизлик хизмати идоралари, полиция, адлия, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларига ишга кирса, доимий, чет элда яшаб, беш йил ичида ўзлиқ сабабсиз консуллик ҳисобида турмаса, соҳта ҳужжатлар билан фуқароликни олган бўлса, бундай шахслар фуқаролигини йўқотиши мумкин.

**— Чет эл фуқаролари бир пайтнинг ўзида Ўзбекистон фуқароси ҳам бўлиши мумкинми!**

**Омон ОҚИЎЛОВ:** — Ҳар қандай шахслар қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига ўтишга ҳақли. Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўз илтимосларига кўра Узбекистон Республикаси фуқаролигини қабул қилишлари мумкин. Бу қуйидаги шартлар асосида амалга оширилади:

шахс хорижий давлатни фуқаролигидан воз кечиши, сўнгги беш йил ичида Узбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилаётган бўлиши лозим (агарда шахснинг ўзи ёки ота-онаси, бобо-буваси жумҳуриятимизда туғилган бўлса ва бошқа давлат фуқаролигига ўтмаган бўлса бу шарт қўлланмаслиги мумкин). Шахсни ҳаёт кечириши учун улар қонун йўл қўядиган даромад манбалари бўлиши даркор. Шахс Узбекистон Республикаси Конституциясини тан олиши ва унга риоя қилиши шарт.

Юқорида кўрсатилган қолган шартлар бўйича истисноларнинг мавжуд. Жумладан, Узбекистон Республикаси учун алоҳида буюк хизмат кўрсатган ёки фан, техника ва маданият соҳасида улкан ютуқларга эришган шахсларга, шунингдек, республикамиз учун зарур бўлган касб-ҳунар ёки малака соҳиби бўлган шахсларга Узбекистон Президентининг қарорига биноан истисно тартибида фуқаролик берилиши мумкин.

Айрим ҳорижий давлат фуқароси бўлган юртдошларимиз илтимосига кўра, Олий Кенгаш махсус комиссиясининг хулосаси бўйича Президентимиз қарори билан Узбекистон Республикаси фуқаролиги берилиши мумкин. Бу истисно албатта ўтмишдаги зўравонликлар ва таъқиблар натижасида ўз юртини ташлаб кетишга мажбур бўлган ватандошларимизга ва уларнинг авлодларига тааллуқлидир.

**— Қандай ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш мумкин. Қонунда фуқароликдан чиқариш ёки фуқароликка рухсат бермаслик ҳоллари кўзда тутилганми!**

**Нурмат АҲМОНОВ:** — Шахснинг илтимосномасига асосан, Республика фуқаролигидан чиқишга рухсат этилади. Алоҳида ҳоллардагина яъни илтимос қилувчи шахснинг давлат олдидаги мажбуриятларини ёки фуқароларнинг давлат, жамоат ташкилотларнинг муҳим манфаатлари билан боғлиқ мулкий мажбуриятлар бажарилмаган бўлса, шунингдек, шахс жиноий жавобгарликка тортилган бўлса, бу шахсга нисбатан суднинг кучга кирган ҳукми бўлса ҳамда шахснинг фуқароликдан чиқиши давлатимиз хавфсизлиги манфаатларига зид бўлганда табиийки, фуқароликдан чиқишга йўл қўйилмайди

Фуқароликдан маҳрум қилиш ҳолати инсоннинг ҳуқуқларини чеклашдир. Собиқ СССРнинг гражданлик қонунчилигида шундай ҳолат кўзда тутилган эди. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги Қонуннинг биринчи моддасидаёқ, ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга бўлиши ва ҳеч ким фуқароликдан маҳрум қилиниши мумкин эмаслиги ифодаланган. Демократик давлатда инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш, уларни тадбиқ этиши айнан шундай ёндошишни талаб қилади.

**— Фуқаролиги бўлмаган шахслар кимлар!**

— Қонун фуқаролиги бўлмаган шахс, деб таниш мезонларини белгилаган. Халқаро ҳуқуқда апатридлар, деб юритилувчи бу шахслар қонуннинг II моддасига кўра, Ўзбекистон ҳудудида яшаб туриб, республикамиз фуқароси бўлмаса, унинг чет давлат фуқаролигига мансублик далиллари бўлмаса — у фуқаролиги бўлмаган шахс, деб ҳисобланади.

**— Фуқаролик ишлари билан қайси органлар шуғулланиши ва фуқароликни тасдиқловчи ҳужжатлар ҳақида маълумот берсангиз.**

— Республикамизда фуқаролик ишларини юритувчи органларга: Республика Президенти, Республика Ички ишлар вазирлиги, Республика Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистоннинг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари киради. Қонун бу давлат идораларининг фуқаролик ишларини кўриб чиқишдаги ваколатларини ҳам кўрсатиб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги бўлган шахсларга Ўзбекистон Республикасининг паспорти, 16 ёшга етмаган болаларга Ўзбекистон фуқаролигига мансублиги кўрсатилган ҳужжат, фуқаролиги тўхтатилган ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга махсус истиқомат гувоҳномаси берилади.

**— Ўзбекистон аҳолиси хусусан, ўзбеклар Республика фуқаролиги ҳақида қонунни қониқиш билан кутиб олишди .Аммо жумҳуриятимизда бошқа миллатлар ҳам анчагина. Улар, жумладан, рус забонли аҳолининг қонунга муносабати қандай!**

**— Георгий КИРИЛЛОВ:** — Мен рус миллатига мансубман. Рус забонли юртдошларим билан кўп мулоқотда бўламан. Очиғини айтганда Болтиқбўйи жумҳуриятларида туб аҳолидан ўзга халқлар ҳуқуқларини камситувчи, уларнинг фаолияти ва эркинликларини чегараловчи қонунлар қабул қилганда биздаги айримлар анча саросимага тушишганди.

Ҳуқуқларимизни чекловчи қонун қабул қилинса нима қиламиз. Шу ерда ўсиб улғайган, Узбекистонни ўз она еридек кўриб қолган одамларнинг тақдири нима бўлади, деб хавотирланишаётганди улар.

Ҳайриятки, қонунни ишлаб чиққанлар ҳам, республика парламенти ҳам жуда одилона йўл тутишди. Ривожланган, чинакам демократик давлатлар тажрибасини чуқур ўрганиб, Узбекистонда истиқомат қилаётган ҳамма аҳолига бирдай бўлган, миллати, эътиқодидан қатъи назар ҳамманинг ҳуқуқларини бирдай ҳимоя қиладиган, барчага бирдай мажбурият юклайдиган одил қонунни рўёбга чиқаришди.

Қонун билан танишган ҳар бир киши, жумладан, рус забонлилар ундан зўр қониқиш ҳосил қилишмоқда. Қонун қабул қилинди. Кўпчиликни кўпдан бери ташвишлантириб келаётган хавотирлик ортда қолди. Энди биз қайси миллатга тегишли бўлмайлик, Узбекистон Республикасининг тенг ҳуқуқли фуқароларимиз. Шундай экан, энди, фақатгина ҳуқуқларимиз ҳақида ўйламай, вазифаларимизни ҳам унутмайлик. Мустақил жумҳуриятимиз равнақига ҳисса қўшайлик.

**— Мансабдор шахсларнинг фуқаролик ишларига оид ноҳақ ҳаттиҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартиби қандай!**

**Нурмат АҲМОНОВ:** — Бундай ҳолатлар қонуннинг 44-моддасида кўзда тутилган. Фуқаролик ишлари бўйича аризаларни қабул қилишдан сабабсиз бош тортиш, ариза кўриб чиқиш муддатларини кечиктириш ва бошқа ноўрин ҳатти-ҳаракатлар устидан шикоят қилиш юқори турувчи мансабдор шахсларга ва судлов органларига қилиниши мумкин. Фуқароликка оид қарорлар ижроси Республика Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси томонидан ва бошқа ваколатли идоралар томонидан назорат қилинади.

**● Ҳурматли муштарийлар! Ушбу кичик давра суҳбатида Республика фуқаролиги тўғрисидаги Қонуннинг барча жиҳатларини ҳар томонлама батафсил шарҳлаб бериш қийин, албатта. Шуниг учун яна ҳам ойдинлаштириш, тўлароқ шарҳланиши зарур бўлган моддалар ҳақида тушунтириш сўраб газетага бемалол мурожаат қилишингиз мумкин. Ҳуқуқшунос олимлар, тажрибали амалиётчи мутахассислар сизга бажонидил кўмак ва тушунча беришга тайёрлар.**

**Хатларингизни кутамиз.**

**Суҳбатни «Ўзбекистон овози» махсус мухбири**

**К. РИХСИЕВ олиб борди.**

# АБДУЛЛА ОРИПОВ ИЖОДХОНАСИДА

## ҲУРМАТЛИ БОШ МУҲАРРИР!

ХОТИРАНГИЗДА бордир, бундан кўп йиллар муқаддам мазкур газетимизда «Шоир (адиб) ижодхонасида» деган рукн бўларди. Унда унутилмас устозларимиз — Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Миртемир каби зотларнинг янги асарлари яхлит саҳифа шаклида бериб бориларди. Биз ўша саҳифани доимо интизорлик билан кутардик. Замонлар ўзгарди, ҳўлу қуруқ баробарида кўпгина яхши анъаналар унутилди. Баъзи харидоргир дўконлар ҳам ёпилиб кетди. Табиийки, қирқ йил қирғин бўлган тақдирда ҳам ижод дўконига асло қулфу калит тушмаяжак. Ўша рукннинг қайта тикланиши хўб ишдир. Айниқса, қоғоз тақчиллиги туфайли китобларимиз чиқмай турган бир шароитда адибу шоирлар учун вақтли матбуотдан бошқа минбар ҳам қолмади ҳисоб...

Энди бир шахсий илтимосим бор: ушбу саҳифага тўланадиган қалам ҳақини редакцияда материалларни оққа кўчирувчи бўлиб ишлайдиган сингилларимизга улашсангиз. Чунки, ҳар бир сўз устидаги таҳриримизни омон бўлгурлар такрор-такрор кўчирадилар. Буни улар аллақандай ҳайрия деб ўйламасинлар. Бу —миннатдорчиликнинг камтарин белгисидир, холос.

Гапимни якунлар эканман, улуғ арафа кунларида яна қад ростлаётган севимли саҳифамизга юксак парвозлар тилайман. Умидворманки, у каттаю-кичик барча ижодкорларимизнинг бошларини қовуштирадиган қутлуғ манзилгоҳ бўлиб қолажак!



— ЕЛКАМИЗГА ОФТОБНИНГ ТЕККАНЛИГИ РОСТ БЎЛСИН, ЎЗБЕКНИНГ ЎЗ УРУҒИН ЭККАНЛИГИ РОСТ БЎЛСИН!

## Туркистон болаларига

(МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 1 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН)

Туркистоннинг болалари, мақтовимга қулоқ тутманг,
Гина қилсам чиданг, аммо, гапларимни ҳеч унутманг.

Энг аввало шажарангиз қайдан чиққан, билиб олинг,
Сиз ҳам Башар фарзандисиз, Ҳақни байроқ қилиб олинг.

Мен Темурдан сўзлайинми, сўзлайинми Навоийдан,
Барчасини ўқигансиз, эшитгансиз ё ровийдан.

Тарихингиз шундоқ узоқ, жангу-жадал деса ҳам бор,
Босқин ҳам бор, тошқин ҳам бор, касбу амал деса ҳам бор.

Бобур бўлиб сўрадингиз қўни-қўшни дунёларни,
Машраб бўлиб кездингиз гоҳ қашқир юрмас саҳроларни.

Ўт кетсин у қаро кунга — бировларга қул бўлдингиз,
Шарқу-Ғарбнинг ўртасида оёқ ости йўл бўлдингиз.

Бироқ иймон нури доим оқиб турган қонингизда,
Ўзингиз ҳам сезмагайсиз, бир гавҳар бор жонингизда.

Минг-минг шукур, замон келиб истиқлолга эришдингиз,
Хароб бўлган хонадонни бутламоққа киришдингиз.

Ҳурликнию саодатни муборакбод этгум, лекин
Айтиб қўяй, қулоғингиз битган экан секин-секин.

Назарингиз тушар аввал зебу-зийнат, дастурхонга,
Ҳануз таъзим қилмоқдасиз мол-дунёси бор инсонга.

Бўй-бастини кўрсатгувчи урфони зўр миллат қани,
Сизнинг учун обрў-олтин, арзонгаров шуҳрат-маъни.

Юрагида жавҳари бор кимсаларни кўрмагайсиз,
Карнайи йўқ бечоранинг тўйига йўл бурмагайсиз.

Магар фаҳшу разолатни достон қилиб битсам эдим,
Элни бузиб, қон тўкишга агар даъват этсам эдим.

Ҳар қадамда хушомадни ўз ўрнига қўёлсайдим,
Пешволарнинг пойларига ҳафтада қўй сўёлсайдим.

Бўлмас эди мендан улуғ, мендан азиз бирор Инсон,
Оҳ, халқимни не куйларга солдинг, замон, солдинг, замон.

Туркистоннинг боғларида булбуллари бор, ҳолбуки,
Хор бўлса ҳам, тоғдай баланд кўнгиллари бор, ҳолбуки.

Биров у ён тортар бўлса, биров бу ён тортаётир,
Қонсираган жаллодларнинг шодликлари ортаётир.

Билиб бўлмас, рост гап қайда, билиб бўлмас қайда ёлғон,
Маломатга йўлиқади, элга: «бирлаш», — деган инсон.

Туркистоннинг болалари, Туркистоннинг болалари,
«Пуф» деганда тўзғигудек мўъжазгина лолалари.

Чинор бўлиб илдиз отинг, қоя бўлиб тиклангиз қад,
Улуғ-улуғ аждодларнинг хавотири Сиздан беҳад.

Соянгизда паноҳ топсин ҳориб-толган қондошингиз,
Унутмангки, бу чаманда ҳар бир яроқ жондошингиз.

Тўқайзори бўлмаса гар шеру арслон қайдан унар,
Бир манзили бор эканки, бургутлар ҳам келиб қўнар,

Олдиндадир ҳали заҳмат, олдиндадир имконингиз,
Осилмаган не-не Машраб, отилмаган Чўлпонингиз.

Ўтинч ила ҳасратимни насиҳат деб юзга солманг,
Худо инсоф берган куни бармоғингиз тишлаб қолманг.

Мурувватсу маърифатдир буюкликнинг нишонаси,
Қадам қўйинг, мана сизга донгил йўлнинг остонаси.

Туркистоннинг болалари, Туркистоннинг болалари,
«Пуф» деганда тўзғигудек мўъжазгина лолалари...

• Назм дафтаридан

## ЧОРА

Ғаним бўлиб қолди кимдир-кимгадир,
Улар иккиси ҳам оқсоқол эди.
Ўртага тушганди гина негадир,
Иккиси ҳам гўё безавол эди.

Узоқ вақт олишди иккита йигит,
Мен ҳақман дер эди иккаласи ҳам.
Сира кор қилмади насиҳат, ўгит,
Чорасин тополмай ҳакамлар мулзам.

Охир сўрадилар Расулуллоҳдан:
— Аё, ўзинг айтгин энг одил сўзни.
Расулуллоҳ деди: — Қўрқинг гуноҳдан,
Сиз улар ўрнида ҳис қилинг ўзни...

## ХАЛҚ НАҚЛИ

Халқ нақлни тўқимайди атайин,
Нақлларнинг умри фузун бўлади.
Мана, сизга биттасини айтайин:
Яхшилик қил — тилинг узун бўлади.

Ўйга солар бироқ бошқа бир жиҳат,
Яхшиликни ҳунар қилган элмиз.
Бошимизга ёғар тинмай маломат,
Айтинг, қачон узун бўлар тилимиз.

## ИККИ ҒАНИМ

Қизларнинг душмани ҳусни бўлса гар,
Шоирнинг душмани — истеъдодидир.
Уларнинг ҳаётин этгувчи заҳар
Суқ билан ҳасаднинг истибдодидир.

Қизларга суқ билан боққан ҳар кимса,
Порлоқ юлдузларга менгзаб мақтайди.
Шоир истеъдодин душмани эса,
Уни оёқ ости қилиб топтайди.

# «ЖАҲОНГИРНОМА»

## (АМИР ТЕМУР ҲАҚИДАГИ ШЕЪРИЙ ДРАМАДАН ПАРЧА)

**САРТАРОШ**

Сартарошнинг касби-кори ҳаммага маълум:
Соч-соқолни қиртишлайман. Тамом-вассалом,
Бироқ тангри хўб иноят айламиш менга...
Темурдайин жаҳонгирдир менинг мижозим.
Олампаноҳ, неча йилки маҳрамингизман,
Хизмат қилиб келмоқдаман даргоҳингизда.
Ҳатто ҳазил-ҳузулни ҳам илтифот айлаб,
Қулингиздан аямайсиз.

**ТЕМУР**

Қул кўп, сен — ёлғиз!

**САРТАРОШ**

Соҳибқирон, бошингизни сал қуйи эгинг,
Устарамнинг тиғи ўткир, дами кўп тезкор...

**ТЕМУР**

Сартарошга бош эгар ҳа, жаҳонгирлар ҳам,
Бошқаларга эгилишдан асрасин худо!
Бироқ сенга оддийгина бир гапни айтай:
Соҳибининг хоҳишига бўйсунади тиғ.
Зарур бўлса кесгайдир у ёмон ярани,
Жаҳолатда узар лекин тилла бошни ҳам.
Марҳаматинг учун эса ташаккур сенга.
Ҳарқандайин бандага ҳам жоиздир сирдош.
Гап юрармиш, гўё Темур табассум қилмас,
Гўё менга хурсандчилик, шодлик бегона,
Шароб ичсам, жом бўлармиш бош чаноқлари.
Ҳар қадамда билинтирмай оғу сочгувчи,
Мансабпараст, ғаюр, баттол, ўғри, фирибгар
Хушомадгўй кимсаларни маҳрам санайми?
Ё уларга ялтоқланиб, табассум айлаб
Кўнгилларин овлаш учун муқом қилайми?
Мен уларнинг юрагида не кечишини
Оинага боққан каби — кўриб тураман.
Одамларнинг баднафс, юҳо оғизларига
Тизгин солиб, қамчин билан титратмоқ даркор.
Шу йўсинда ром этурлар ҳайвонларни ҳам.
Одамзодни бир дақиқа озод қўйдингми,

Шу заҳоти еб битирар бир-бирларини.
Ер юзининг ман-ман деган ҳукмдорлари
Шамширимдан қўрқадилар, шонимдан эмас.
Сартарошсан, мана сенга бошимни эгдим,
Бироқ мени авф этгайсан, тиз буколмайман...

**САРТАРОШ**

Чунки сизни тўпол Темур дерлар, ҳазратим,
Оёғингиз шикаст топган, ланг бўлган жангда,
Шу боисдан авф этади сизни қулингиз.

**ТЕМУР**

Оҳ, у узоқ кечмишимни солдинг ёдимга,
Мен онамдан шамшир билан туғилмагандим.
Шаҳрисабз томонларда, даштлар қўйнида
Хўжа Илғор деган жой бор.

**САРТАРОШ**

Жаҳон билади!

**ТЕМУР**

Йилқи боқиб, адрларда яйрардим шодон,
Баҳор чоғи сел тошқини, турфа чечаклар
Хўб ғаройиб туйғуларни туҳфа этарди.
Юлдузларга боқиб гоҳо байтлар битардим.
Шоир аҳли ғазалларин қоғозга ёзса
Мен шеъримни ўчмас қилиб шамширга ўйдим.
У битикнинг мазмуни шул: «Куч ҳақиқатда».
Ёш бошимдан қисмат менга қилич тутқазди.
Эгаси йўқ уюр каби тарқаган элни
Чингизийлар мўр-малахдай босган бир пайтда,
Неча-неча шер юракли барлос йигитлар
Ёвларига ем бўлганда, боши бирикмай,
Тоғу тошда санғиб юрган эрксеварларни
Ўз теграмга тўпладиму ялов кўтардим.
Элдан мадад кўрмаган чоғ, ноилож қолиб
Карвонлардан тортиб олдим егулигимни.
Довонларда маскан қурдим, кездим чўлларда.
Ҳисор тоғин беткайида, йироқ-йироқдан
Ўпқон каби ғор кўринар, кўзинг тушганми?

**САРТАРОШ**

У — сизнинг ғор!

**ТЕМУР**

У жойда мен жон сақлаганман.
Тулпоримнинг тезаклари тўзмаган ҳамон.
Ёғий мени йўлтўсар деб англатди элга.
Пистирмалар қўйишарди йўлимга доим.
Парвардигор марҳамати ғолиб келди-ю,
Қара, омон ўлтирибмиз икков—тиғдошлар...
Ишинг битди, жўна энди, эшикбонга айт,
Одат йўсин, кирсин аввал аҳли уламо.
(сартарош чиқади).

## МУЛОҚОТ

— Бахтсизман, толеим кулмайди,
Онажон, қошингга кетайин.
— Кетганлар ҳеч қайтиб келмайди,
Бардош қил дейман, оҳ, нетайин.

— Не учун дунёда туғилдим,
Бу қадар омадсиз, бечора.
— Ўзим ҳам бир умр бўғилдим.
Болажон, на илож, начора.

— Не учун ёвуздир одамлар,
Бирови топтайди бирини!
— Мени ҳам еди-ку шу ғамлар,
Билмадим бу ҳолнинг сирини.

— Инсонга ишондим—хор бўлдим,
Сен дединг — бир юпанч сабрдир.
— Ўзим ҳам юпанчга зор бўлдим,
Оқибат топганим қабрдир.

— Бош уриб борарга йўқдир жой,
Онажон, қошингга кетайин.
— Болажон, ҳорибсан ҳойнаҳой
Бардош қил дейман, оҳ, нетайин.

— Чорласанг, мададкор бўлолсанг,
Висолинг руҳимни шод этар.
— Сен ҳам гар йўқликка йўл олсанг,
Борлиқда ким мени ёд этар.

• ХОТИРА

# ИККИ МАКТУБ ТАРИХИ



Буюк Шарқ олими Ибн Сино таваллудининг 1000 йиллиги яқинлашиб келмоқда эди. Шароф ака мени чақиртирдилар ва Ибн Сино ҳақида бирор достон ёзишимни маслаҳат бердилар. Мен Ибн Синонинг касб-коридан унчалик хабардор эмаслигимни айтдим. Шунда Шароф аканинг руҳиятида ёзувчилик сифатлари «ярқ» этиб намоён бўлди. У киши буюк олимнинг серқирра фаолияти ҳақида, умуминсоний қадр-қиммати хусусида жўшиб гапирдилар. Ибн Синонинг қадимий туркийда ёзилган бир шеъри ҳам мавжудлигини эслатиб ўтдилар. Шу орада у киши менинг соғлиғимни суриштира бошладилар. Дарҳол бир масъул ходимни чақириб, мени биринчи даволаниш масканига аъзо қилишни буюрдилар.

Кези келганида шуни айтиб ўтайки, Шароф аканинг вафотидан сўнг биринчи даволаниш масканидан мени зум ўтмай бадарға қилишди. Сабаби: «Мақомингиз тўғри келмайди», дейишди. Ниҳоят, Халқ шоири унвонига эга бўлганимдан сўнггина маломатсиз даволанадиган бўлдим.

Энди яна бояги гапга қайтсак: хуллас, биринчи даволаниш масканига аъзо қилишни тайинлаганларидан кейин Шароф ака Чехословакиянинг Карлови-Вари булоғининг сувини ичишимни маслаҳат бердилар. У жойга ўз ҳисобимдан, Шароф аканинг топшириғига кўра, йўлланмани тўғрилаб беришди. Нархи ўша вақтнинг пули билан ҳисоблаганда йўл ҳаражатидан ташқари минг сўм эди. Ҳозир ўша пулга Қаршига ҳам бориб келолмайсиз. Карлови-Варининг суви ёқмадими, соғлигим бироз оғирлашди. Қайтиб кетишдан бошқа илож йўқ эди. Бироқ, мен ўзимга ажратилган кенг хонада йиққан материалларим асосида «Ҳаким ва ажал» достонини ёза бошладим. Йигирма кунда уни битказдим. Тошкентга қайтгач, достон қўлёзмасини ўша вақтдаги Ёзувчилар уюшмасининг раҳбари Яшин домла орқали Шароф Рашидовга чиқариб юбордим. Шароф ака: «Мен бу болани даволанишга юборсам, достон битказиб қайтибдида», — деган гапларни айтибди. Асарим у кишига маъқул тушибди. Сал ўтмай Марказқўм девонидан менга қўнғироқ қилишди ва бир мактубни дарҳол олиб кетишимни сўрашди. Мактуб Шароф Рашидовнинг ўз қўллари билан яшил сиёҳда ёзилган эди. Мана ўша мактубнинг асли:

Укам Абдулла ОРИПОВга!

Ибн Сино шундай бир қуёшки, у минг йиллар тарихини ҳам ёритиб, ҳам иситиб, ҳам безаб турибди. Унинг ҳаёти ва ижоди ҳам умумхалқ маданияти тарихининг мангу қуёшидир.

Бу ҳақда мен кўп ўйладим. Кўп ўқидим. Ва, Уйғун домуллага мурожаат қилиб, Ибн Сино таваллудига муносиб совға сифатида бирор бадиий асар ёзишни илтимос қилдим. Уйғун ака илтимосимизга «лаббай» деб жавоб қилдилар. Ажойиб асар яратдилар. Энди бу асар халқимизнинг фахри ва ғуруридир. Шу пайтда сиз ёзган достонни ўқишга муяссар бўлдим. Ҳасратингизга ва меҳнатингизга балли, укам. Қойилман. «Ҳаким ва ажал» достони жонажон адабиётимизнинг жуда ноёб мулки сифатида, поэзиямизнинг шоҳ асари сифатида ўқилади. Бу ижодий зафар билан сизни чин дилдан табрик қиламан. Қам бўлманг, укам. Умрингиз узоқ бўлсин, қўлингиз ва дилингиз дард кўрмасин.

Ана шундай достонни ўқишга муяссар бўлганимдан бахтиёрман.

Эҳтиром билан,
10/VII. 80. имзо. Ш. РАШИДОВ.

Яқинда Ш. Рашидов ҳақида хотиралар ва ҳужжатлар китобини тўплаётган институтдан менга кўнғироқ қилишиб, Рашидов имзо чеккан, менга тааллуқли бир мактубнинг нусхаси борлигини, уни иложи бўлса шарҳлаб беришимни илтимос қилишди. Хат тарихий ҳужжат ҳисобланганлиги учун уни тўлиқ келтираман:

Москва,

«Советский писатель» нашриёти.

Ўртоқ Н. В. ЛЕСЮЧЕВСКИЙга

Қадрли биродарим Николай Васильевич!

Сизга Тошкентдан қалб саломи!

Мен Сизга ўртоқ Абдулла Ориповни йўллаяпман. Яқинда ўзбек тилида унинг «Юртим шамоли» китоби босилиб чиқди. Мен уни синчиклаб ўқиб чиқдим ва бу тўпламга қандай чиройли шеърлар кирганлигидан ҳайратландим. Шуни айтишим керакки, Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидов яқин орада ўзбек совет шеърияти, умуман олганда эса, бутун ўзбек совет адабиёти савия-даражасини белгилайдиган талантлардир.

Шунинг учун Абдулла Ориповни Сиз шахсан қабул қилишингизни, танишишингизни, у билан суҳбатлашишингизни ўтинч билан сўрайман. 1978 йилда москвалик энг яхши таржимонлар таржимасида унинг шеърлар китобини рус тилида нашр этиш керак. Мен уни сизга йўллаётганимдан мақсад шуки, шоир шеърлари таржималари юксак бадиий савияда бўлса.

Сўзимга ишонаверинг: Абдулла Орипов шеърлари Сизга Расул Гамзатов, Эдуардас Межелайтис ва бошқа талантли шоирларнинг асарларини эслатади. Сиз ва биз бу ёркин талант билан чуқур, ҳар томонлама пишиқ-пухта ишлашимиз керак.

Имкониятдан фойдаланиб, қадрли дўстим ва биродарим, Сизга мустаҳкам соғлиқ, ишингизда муваффақиятлар, ҳаётда ҳамиша барқарор бахт ва қувончлар тилайман.

Сизни маҳкам қучиб, ўпиб қолувчи:
Имзо.

Ш. РАШИДОВ.
1977 йил, 2 февраль
Тошкент шаҳри.

ГАП шундаки, Шароф ака бир вақт мени қабулига чақириб, ҳол-аҳвол сўрагач, Москвада рус тилида эндигина босилиб чиққан бир китобимни кўрсатиб шундоқ деди: «Ука, китобингиз рус тилида чиққани яхши бўлибди, табриклайман. Бироқ мен тўпламдаги шеърларнинг аслиятидан деярли хабардорман. Таржима ўхшамабди-ку, нега рози бўлдингиз?». Мен фикримни тушунтиришга ҳаракат қилдим: «Шароф ака, яхши таржимонларнинг деярли барчаси банд. Бизга ўхшаганларни эса, аллакимлар таржима қилса керак. Таржимани ўзимизга ҳам кўрсатишмайди. Миллий адабиётлардан шунча номда, шунча китоб чиқардик, дейиш учун биздақалар керак бўламиз, шекилли. Бу китоб ҳам расмий ҳисоботлар учун чиқарилган. Уни ҳатто бировга совға қилишга ҳам уяламан», — дедим. Шароф ака бир нафас ўйга толиб, жим қолдилар. У кишининг асабийлашгани кўриниб турарди. Менга қараб дафъатан, «Абдуллажон, сиз бугун Москвага учиб борасиз. Хат ёзиб бераман. Уни керакли кишига топширасиз», — дедилар. Хуллас, қўлимда сўрғичланган мактуб билан Москвага етиб келдим. Мактуб «Советский писатель» нашриётининг директори Лесючевскийга аталган эди. Лесючевский мактубни ааайлаб очиб ўқигач, менга ҳайрат билан тикилиб қолди:

— Рашидов сенга ким бўлади? — деб сўради.

Мен жавоб бериб:

— Ҳар ҳолда у киши менга қариндош эмас, — дедим.

Лесючевский гапида давом этди:

— Мактубда нималар битилганидан хабаринг борми?

Мен «йўқ» дедим. Лесючевский бироз ўйланиб тургач:

— Мен Рашидовнинг айтганини бажаришим керак. У киши мени бир маротаба сақлаб қолган. Сен боравер, мен яхши таржимонларни албатта, топаман — деди.

Тез орада Лесючевский оламдан кўз юмди. Ёшлик қилдим шекилли, мактубнинг тақдири нима бўлганини Шароф акага вақтида етказа олмадим...

Подшонинг битта мактуби ёхуд ишораси билан ҳеч бир ёзувчи классикка айланиб қолмайди. Бу гапларни яхши тушунардим. Шароф Рашидов адабиётимизни иложи борича кенгроқ ташвиқ қилишни истарди, холос. Лекин битта нарса мен учун кундай равшан бўлган эди. Москва аллақандай Шарқдан яна бир саркаш шоирнинг бош кўтариб чиқишини сира-сира истамасди. Улар менку мен, Рашидовни ҳам алдашди. Бу гапларни, балки, ёзмаслигим ҳам мумкин эди. Бироқ сохта камтарлик ҳам мақтанчоқликка киради-ки, энг тўғри йўл бор гапни яшириб айтишдир.

## ТЎРТЛИКЛАР

I

Ҳақ севгай ўзига ёр бандаларни,
Дилида иймони бор бандаларни.
Такаббур зотларни пастроққа эгса,
Юксакка кўтаргай хор бандаларни.

II

Кимдир фарзандига дерди: — Эй, қўзим,
Жону дилинг билан эшит бул сўзим.

Қачондир саломга алик олмасдим,
Энди бир аликка зордирман ўзим.

III

Шеър, Фарзанд, Яхшилик —
мисли полапон
Тарқалиб кетдилар ҳаммаси ҳар ён.
Оламда қанчаки ёмонлик бўлса,
Ёприлиб келдилар бари мен томон.

## ҚАЙДЛАР

### ШАКАРМИ Ё ШАРБАТ?

● МАЪЛУМКИ, шакарни қуруқлай ҳам, эритилган ҳолда ҳам истеъмол қилавериш мумкин. Шеърда фикрнинг иштироки ҳам шунга ўхшаш. Фикр сатрлар орасида, ҳиссиётлар муҳитида шарбатга айланмоғи керак. Акс ҳолда, фикр қанчалик жозибали бўлмасин, ялангоч ҳолда тақдим этилса, у илм-фан нишонаси сифатида қабул қилиниши табиийдир. Қадимги табибларни эсланг: улар дори-дармоқларнинг номларини қофияга солиб чиққанлар. Бундай тизмалар, аслида санъат асари эмас, балки халқ онгига тезроқ сингиши учун атайлаб шеърий шаклга солинган илмий тавсиялардир.

### ШУНДОҚ ЭМАСМИ, ШУКУРЖОН?

● ХАЛҚ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг матбуотда «Адабиёт ўладими?» деб номланган қизиқарли баҳсини ўқидим. Ва, табиийки, мен ҳам шу соҳага алоқадор бўлганлигим туфайли ўйга толиб қолдим. Дарҳақиқат, адабиёт ўлиши мумкинми? Балки, адабиёт маълум бир давр доирасида жон таслим қилар, бироқ, масаланинг яна бир ғалати томони шундан иборатки, марҳумга марсия ёзишга ҳам тўғри келади. Демак, янги адабиёт ўша марсия қиёфасида қайтадан дунёга келди деяверинг. Бу жараён бир қарасанг, фожиага, бир қарасанг, аскияга ўхшаб кетади. Хуллас, адабиёт халқдан, халқ адабиётдан қутулолмай, асрлар бўйи бирбирининг юкини сўкина-сўкина ортмоқлаб ўтар экан. Шундоқ эмасми, Шукуржон?

### ОСТОНАДА ГАП КЎП

● ЮКСАК даражадаги амалдорларнинг қабулига кириб чиққунингча сени бошлаб борувчи ўта сирли ва шубҳали даражада меҳрибон бўлган посбон амалдорчаларнинг кўнглига ғулғула солгувчи муомалаларини кўриб беихтиёр ваҳимага тушасан: Мени ҳозир ё ҳаёт, ё ўлим кутаётир, деб ўйлайсан. Хуллас, бошлиқнинг ҳузурига ғижимлаб ташланган суратинг-у гангиб қолган руҳинг кириб чиқади. Ҳалиги посбон сени кузатиб қўяр экан, «яна келиб туринг», — деб ҳам қўяди.

Остонада гап кўп.

### БАЛКИ У ҲАҚДИР...

● ШОН-ШУҲРАТ шундай бир қўрғондирки, уни ҳар қандай йўловчи бир бора қамал қилиб кўради. Эгаллай олмагач, «бор-ей, бу бир бехосият жой экан-ку», дея ўзининг тинчгина сафарини давом эттира бошлайди.

Балки, у ҳақдир...

### ДИЛ ТУБИДА

● ҲАММАНИНГ кўнглини олишга уриниш ёмон эмас. Бироқ, ҳақиқий ҳурматга лойиқ инсонлар ҳаётда жуда озчиликни ташкил этади. Мен уларнинг иззатини дилимнинг энг тўрида авайлаб сақлайман.

## • ВИЛОЯТЛАРДАН ДАРАКЛАР

### • БУХОРО

**МАТБУОТ УЙИ ҚУРИБ БИТКАЗИЛДИ**

**● ВИЛОЯТ рўзномаларининг журналистлари кўп йиллардан буён босмахона биносида ишлашар эди. Яқинда эса улар босмахона ёнидаги уч қаватли янги бежирим бинога кўчиб ўтишди.**

Матбуот уйини Бухоро газ саноати қурилиши трести-нинг 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бинокорлари барпо этишди. Янги бинодан «Бухоро» нашриёти жамоаси, республика рўзномаларининг вилоят мухбирлари учун ҳам хизмат хоналари ажратилди.

**Н. НАИМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

### • НАВОИЙ

**ЛАНГАР 50 ЁШДА**

**● Денгиз сатҳидан икки минг метр баландликдаги Оқтов чўққилари бағрида жойлашган Лангар посёлкасида тантана бўлиб ўтди:**

Лангар конининг эллик йиллиги нишонланди. Ҳозир кондан олинадиган биргина дала шпатининг ўзи жуда кўп соҳаларда —чинни, сопол буюмлари, турли сервизларни безашда, электр симлари қопламаси, автомобиль ўт олдиргичлари, тиббиёт-санитария техника воситалари тайёрлашда ишлатиляпти. Шу пайгача кон маҳсулоти асосан республикадан четга жўнатилар эди. Мустақиллик шарофати туфайли эндиликда у ўлкамиз равнақи учун хизмат қилади.

**ТУРКИЯДА КАСБ ЎРГАНИШАДИ**

**● Вилоятдаги ҳунар-техника билим юртларининг ўн нафар талабаси Туркияда ўқийдиган бўлди.**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги методик маркази ўтказган танловда ғолиб чиққан бу ўқувчилар дўст мамлакатдан малакали мутахассис бўлиб қайтишади.

**ҚИШЛОҚ КОРХОНАЛАРИ**

**● Навоий районидаги «Нарпай» давлат хўжалигида очилган кичик корхонага юз нафар уй бекаси қабул қилинди.**

Улар бу ерда устки кийим-кечак тўқийдилар. Ҳадемай, хўжаликда пойабзал ва бош кийимлари цехлари ташкил этилади, хонатлас, тўқиш йўлга қўйилади.

### • САМАРҚАНД

**ОЛИС ҚИШЛОҚДА ХОРИЖИЙ ДЎКОН**

**● Афғонистон фуқароси Собир Муҳаммад Туркибола қишлоғидаги фойдаланилмай ётган чойхона биносини ижарага олиб, хусусий дўкон очди.**

Пештахталарга Афғонистон, Япония, Америка сингари мамлакатларда чиқарилган турли газламалар, кийим-кечак, радио ва видеотехника жиҳозлари, Франция атир-упалари қўйилган. Қишлоқ аҳолиси, қўшни хўжаликларда яшовчи кишилар уларни бажонидил харид қилмоқда.

**ЧАШМА БУЙИДА «УСТА»**

**● Тошохур даҳасидаги чашмани Сиёб районидаги ҳар бир киши яхши билади.**

Мана, неча юз йилдирки, унинг зилол ва шифобахш сувидан аҳоли кенг фойдаланади. Шу кунларда чашма атрофида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Усталар бу ерларнинг Амир Темур даврида кўринишини тиклаш учун астойдил тер тўкмоқдалар Бу юмушни бажаришни «Уста» бирлашмасининг бунёдкорлари зиммага олишган.

(ЎзА).

*«Ўзбекистон овози», «Хиёнат», шу йил 22 июль*

• Акс-садо •

# ХЎРЛИКЛАРНИ УНУТА ОЛМАЙМИЗ

**●«ХИЁНАТ» мақоласини ўқир эканман, кўз олдим қоронғулашиб бошимга тушган кулфатларни эслаб қолдим. Умримнинг энг яхши онлари шундай хиёнаткорлар туфайли кўкка совурилди.**

Асли касбим иқтисодчи, 1967 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг сиртқи бўлимини тугатгандан кейин қадрдон меҳнат жамоамда ҳисобчи, иқтисодчи, партия ташкилотининг котиби лавозимларида ишладим. 1978 йилда жамоа аъзолари мени хўжалик бошқарувининг раиси этиб сайлашди. Шундан кейин деярли беш йил колхозга раҳбарлик қилиб, унинг иқтисодий юксалишига ўз ҳиссамни қўшдим.

1982 йилда жамоа аъзолари қаршилик қилишса ҳам қўйрда-қўймай район деҳқончилик-саноат уюшмаси раиси муовинлигига кўтаришди, кўп ўтмай эса жамғарма банки район бўлимига мудир этиб ўтказишди. Ҳамма жойда бўлгани каби Ромитанда ҳам маҳаллий раҳбарларга нисбатан қатағонлар бошланганда безовта бўлганим йўқ. Чунки, виждоним тоза эди. Халқ мулкига ҳеч қачон кўз олайтирганим йўқ.

Бир тийинни ҳам ўзлаштирмаганим исботланмаган бўлсада, суд беш йил қамоқ жазоси тўғрисида ҳукм чиқарди. Ҳибсхонада неккан азобларимни ўзим биламан, худо билади, жиноятчининг қариндоши, деб эшитган дашномлар аламини яқинларимдан сўранг. Ота-онам ор-номусга чидай олмай дунёдан кўз юмишди.

Ҳеч қандай айбим йўқлигини исботлайман, деб ёзмаган жойим қолмади. Аммо Рафиқ Нишонов ва унинг атрофидагилар бирон мактубимга жавоб ёзишни лозим кўришмади. Улар учун халқи туҳмат билан тошбўрон қилинаётгани барибир эди. Мақсад, уларнинг елкасига миниб, мансаб пилла-поялари бўйича янада юксакроқ кўтарилиш эди.

Хайриятки, ҳақиқат бор экан. Қайта қуриш шабадаси эсиб, тўрт йилу бир ойлик саргардонликдан кейин ойламга қайтдим. Тўла оқландим. Ҳозир ўз колхозимизда ҳисобчи бўлиб ишлаяпман. Ҳар ҳолда оёқ-қўлим бутун ҳолда қатағонлар тегирмонидан чиққанимдан хурсандман.

Ахир қанчадан-қанча кишилар лагерлардаги азоб-уқубатларга дош беролмай, соғлиқларидан маҳрум бўлиб қайтишди. Масалан, мендан кейин шу колхозга раислик қилган Раҳим Ҳасановнинг ҳозир кўзлари ожиз, фарзандлари кўчада етаклаб юришибди. Агар Рафиқ Нишоновнинг заррача виждони бўлганда, бундай қилмишлари учун тавбасига таянган, халқи олдида тиз чўкиб, узр сўраган бўлар эди.

Биз адолатни тикламоқчи эканмиз, назаримда, туҳматчилар қурбони бўлган бундай кишиларга имтиёзлар белгилаш тўғрисида ўйлашимиз керак. Бизнинг бошимизга тушган уқубатларни ҳатто Рафиқ Нишонов сингари адолатфурушларга ҳам раво кўрмайман. Парвардигорнинг ўзи ҳар кимни қилмишига яраша жазолайди.

**Ҳамид ЖУРАЕВ,**
**Ромитан районидаги «Челноғу» жамоа хўжалиги ҳисобчиси.**

# Ҳақиқатнинг юзи ёруғ, қўли узун

**● Ҳақиқат —бу нақадар оддийлик ва буюклик тимсоли. Оддийлиги шундаки — у ҳамиша ёнверингда айланиб юргандай бўлади. Буюклиги шундан иборатки, унга эришиш қийин — эндигина этагига қўлинг етганда яна олислаб кетаверади. Ҳақиқатнинг юзи ёруғ, қўли узунлигини англаб етгунингча юрагинг хун бўлиб кетаркан. Нега дейсизми?**

Йигирма йил муқаддам «Ленин йўли» колхозига раҳбарликка сайлашганда, адолат йўли умрим йўли бўлади, деб онт ичган эдим. Орадан тўрт ойларча вақт ўтгач номзодимни қувватлаган юртимиз отаси Шароф Рашидов келиб қолдилар. У кишининг сўзлари ҳали ҳам қулоғим остида жаранглаб тургандай: «Бу колхозни Сизга, Сизни худога топширдик. Сиздан умидимиз катта, туя миниб узоқни кўзланг,» деган эдилар. Бу катта ишончни оқлаш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб ишладик. Қолоқ колхоз оёққа туриб, юксалишга юз тутди. Бироқ фалокат оёқ остида деганларидек, энди оғиз ошга етганда катта тош чиқиб қолди. У Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси терговчиси Карим Мирзоҳидов тимсолида кўринди. Худди ана шу даврда «пахта иши»ни «адолатпеша» ҳомийлар юртимиз бўйлаб мудҳиш ниятларини амалга ошириш учун енг шимариб ишга киришган эдилар. Улар қўлидаги адолат шамшири аслида адолатсизликни ҳимоя қилишга хизмат қилаётганди.

— Фалончиларни қамаган мен бўламан, — деди К. Мирзоҳидов таниқли раҳбарлар исмларини айтиб, — сизларда пиёз экилаётган ерлар суистеъмол қилинаётган экан, шуни текширамиз. У ерни ўлчатаётганда деҳқонлар айтган ҳақиқат билан ҳисоблашмади. Ўзи қандай хоҳласа шундай ўлчатди. Икки кундан кейин ярим кечада эшигимиз тақиллаб қолди. Очсам, пиёзчилар бригадири Шин турган экан. У «Сизда муҳим гапим бор, мени машинамгача кузатиб қўйинг» дедида, йўл-йўлакай машинада дориланган пул борлигини, уни Мирзоҳидовга берганлигини айтди. Подполковник эса панада милиция ходимлари билан кузатиб турган экан. Шиннинг вазифаси — қандай бўлмасин, шу пулларни пора сифатида менга топширишдан иборат бўлган. Лекин ҳақиқатнинг ўткир қиличига ишонганим учун ҳийла-найрангга учмадим. Кейинги сафар у мени район ички ишлар бўлимига чақиртирди.

— Пахта пункти мудири Жамировга қанча пора бергансиз,—деб қолди у қўқисдан.

Туҳмат балосидан асра, деган гапнинг маънисига ўшанда етибман. Қўл-оёғим, бутун вужудимни қалтироқ босди. Томоғимга бир нарса қадалди.

— Бу туҳмат, — дедим зўрға.

У Ш. Жамировнинг имзосини кўрсатди. Тушунтириш хатида пахта сортини ошириб, намлигини пасайтирганим учун колхоз раиси Қ. Соттибоев менга 30 минг сўм пора берган, дейилган эди. Мен Ширин аканинг ростгўйлигини яхши билганимдан унга ўзимга ишонгандай ишонардим. Лекин бу гаплардан кейин жуда ҳайрон бўлиб қолдим. Кейин, маълум бўлишича, Ш. Жамировни роса қийноққа олиб, ўн кун овқатсиз, уч кун сувсиз қўйиб, раисдан 30 минг пора олганман, деб ёздириб олишган экан. Бутун вужудим музлаб кетди. Мен хўжалик ишлаб чиқариш режаларини ошириб бажариб келаётганлиги сабабли қўшиб ёзишга ҳеч қандай асос йўқлигини тушунтирмоқчи бўлдим. Фойдаси бўлмади. Орадан сал ўтгач, яна чақиртиришди. Район прокурори А. Фузаиловдан мени ҳибсга олиш учун санкция сўралди. У далиллар асосли бўлмагани туфайли қатъиян бош тортди. Терговчи республика прокуратураси билан боғланди. Ва мени шу заҳотиёқ ҳибсга олишди.

У ерда роса қийнашди, йўқ жиноятларни мажбуран бўйнимга қўйишга ҳаракат қилишди. Энг мараз ҳийла-найранглар ишга солинди. Бир куни Мирзоҳидов ҳатто йиғламсираб, кечирим сўради. Эртага озод бўлишимни айтиб оқ қоғозга қўл қўйдириб олди. «Бу ерда мени Сиздан кечирим сўраганлигим тўғрисида ёзилади» деди у. Кейин билсам, қоғозга «айбларини қисман бўйнига олди» деб ёзиб қўйибди.

Хуллас, туҳмат билан судландим, ўн бир йил беришди. Хўжаликни манман деган тафтишчилар текширишди. Бирорта камчилик топишмади. Колхоз аҳли бегуноҳ раиснинг ҳимояси учун ҳатто Москвага бориб келишди. Ўзбекистон Олий Суди қамоқ муддатини беш йилга деб ўзгартирди. Адолат билан адолатсизлик ўртасидаги кураш ниҳоят, ҳақиқат ғалабаси билан тугади. Лекин унга эришгунча тўкилган кўз ёшлари, чекилган азоб-уқубатлар, дарз кетган юракларни ким ўз ҳолига келтира олади?! Туҳмат балосини қўтаролмай Ш. Жамиров қамоқхонада оламдан ўтди. Бундайлар кам дейсизми?! Уларга ким қайта умр бахш эта олади? Оила, жигарбандлари, ошна-оғайниларининг нотинч қалбларига ким малҳам қўя билади, ким?

Шу муносабат билан «Ўзбекистон овози»да босилган «Хиёнат» мақоласи «пахта иши»нинг ҳақиқий ҳомийлари ниқобларини очиб ташлаганлиги билан муҳимдир. Чунки ҳаёт қонунлари ҳақиқатга асосланган бўлади. Шу боис юзи ёруғ, қўли узун ҳақиқатга эришганимиздан кейин кўпчилик иродаси билан жамоа хўжалигимизга ҳам «Ҳақиқат» деб ном қўйдик.

**Қозоқбой СОТТИБОЕВ,**
**Ўрта Чирчиқ районидаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.**

# «НУР»НИНГ ХОЛИС ХИЗМАТИ

Қадимдан таркиб топган савдо-тижорат юртимизнинг шуҳратини дунёга танитган. Ҳозир ҳам замон ишбилармонларни олқишламоқда. Тошкентдаги «Нур» илмий-ишлаб чиқариш фирмасининг иқтидорли олимлари-ю, ишчан мутахассислари ҳалоллик тарафдори. Жамоа бу борада ўзининг қатъий фаолият дастурига эга. Фирма ташкил этилганига атиги бир йилдан ошди.

Аммо бажарилган ишларнинг кўлами салмоқли.

— Бухгалтерия ҳисобида даромадгир бўлишни мақсад қилиб адашмадик, — дейди фирма директори, иқтисод фанлари номзоди Малик Қодиров. — Бу масалага пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб киришганимиз қўл келди. Оз бўлса-да ҳозирги халқаро бухгалтерия ҳисобини мутахассисларга етказишнинг уддасидан чиқяпмиз. Ундан ташқари бухгалтерлик энциклопедиясининг ўзбекча, русча нашрларини чоп этяпмиз. Улардан республика саноат корхоналари, ташкилот ва муассасаларда кенг фойдаланишмоқда. Мутахассислар бухгалтерлик ҳисоби бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли жавоб топишяпти. Бу — фирманинг серқирра фаолияти дан бир шингил холос. Республика Сув хўжалиги вазирлиги қошида жамланган мингдан зиёд бухгалтерлар фирма хизмати туфайли ўзбек тилида бухгалтерлик ҳисобини юритадиган бўлишди. Бундан ташқари фирма вакиллари хусусийлаштириш, давлат мулкидан мулчиликнинг бошқа формаларига ўтишда кўпчиликка яқиндан ёрдам беришнинг мақбул ва фойдали усулларини ишлаб чиқишмоқда. Яъни соҳанинг ҳисоб-китоб ишлари бўйича самарали фаолият кўрсатишяпти. Олдинда қилинадиган ишларнинг кўлами кенг. Бухгалтерия ҳисобини методик томондан бошқариш, шу соҳани Ўзбекистонда давлат тилига ўтказиш бўйича қоғозлар билан таъминлаш айниқса ҳозир ўткир масалага айланган. Шу боисдан ҳам банкларда иш юритиш ҳали тўла ўзбек тилида олиб борилаётгани йўқ. Фирма жамоаси бу масалани ижобий ҳал этишга қодир. Аммо бунинг учун жамоага шу соҳани ривожлантирадиган рақобатчи шериклар керак.

Фирма жамоаси келаси йилда яна бир хайрли ишга қўл уради. Россияда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам пул ва кредит масалалари билан шуғулланадиган, умуман, бухгалтерлик ҳисобига йўналтирилган янги журнал нашр этмоқчи.

**Р. АҲМАДАЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ДАЛИЛЛАР АСОСИДА

Қиргули районида эркак кишининг мурдаси топилди. Тиббий экспертиза қотиллик содир этилганини аниқлади. Марҳум нефтчилар маданият уйининг ходими эканлиги аниқланди. У 39 ёшда эди. Жиноий иш қўзғатилди. Ўтказилган оператив-қидирув тадбирлари, тўпланган далиллар милицияга шу ерда яшовчи — ҳеч қаерда ишламайдиган, текинхўрлик билан кун кечираётган икки кишини жиноят қилишда гумон қилиб ушлаш учун асос бўлди. Иш юзасидан тергов тугай деб қолди.

(ЎзА).

# ЗИЛЗИЛА МАРКАЗИ ҚИРҒИЗИСТОНДА

19 август куни маҳаллий вақт билан соат 7 дан 05 дақиқа ўтганда «Тошкент» марказий сейсмостанцияси зилзила бўлганини қайд этди. Унинг маркази Ўзбекистон пойтахтидан 370 километр Шарқда — Шимоли—Шарқда, Қирғизистон Республикаси ҳудудида — Тўхтағул қўрғони яқинидадир. Бу қўрғон Чоткол тизма тоғи этагида жойлашган. Зилзила марказида ер силкинишининг кучи 7—8 баллни ташкил этди. Тошкентда 6 балл , Андижон, Наманган, Чимёнда 6—7 балл, Фарғонада 6 балл, Самарқандда 4—5 балл кучи билан ер силкингани сезилди.

(ЎзА).



Оҳ, қандай ширин-а...

В. ПАНОВ олган сурат.

# ДАСТУРХОННИ БОЙИТИШ ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

**● Бир неча йилдирки, дўконларда мармелад, зефир, конфет ва шуларга ўхшаш қандолатчилик маҳсулотлари камайиб қолди. Бунга сабаб ширинликларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё—шакар билан қотирувчи модда—пектиннинг тақчиллиги эди. Хўш, пектин нима ўзи!**

Пектини ишлаб чиқариш учун цитрус мевалари, денгиз ўтлари ва олманинг баъзи навлари хом ашё ҳисобланади. Бу моддани қандай кўпайтириш мумкин? Ўрта Осиё озиқ-овқат саноати илмий-тадқиқот институтида изланган Ҳидоят Тоирович Саломов бу муаммонинг оддий ва қулай ечимини топди. Пектинни ғўза пўчоғидан олиш мумкин экан. 1987 йилнинг кузида олим институт лабораториясида биринчи марта ана шу моддани кашф этиб, қандолатчилик маҳсулотларига татбиқ этган. Бу маҳсулот маъқулланиб, уни ишлаб чиқаришга тезроқ татбиқ этиш таклиф этилганди.

Ўзбек олими Чиноз районидаги «Пахта» виночилик пунктида пектин моддасининг кукун ҳолдаги дастлабки турини олиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этишни йўлга қўйганди. Лекин қурилишнинг тўхтатилиши билан янгилик йўли ҳам тўсиб қўйилди.

Бу борада Ўзбекистон олиминнинг ишларига Ўрта Осиё республикаларида ва халқаро тижорат бирлашмаси «Комэкс» халқ дипломатик фонди мутахассисларида қизиқиш пайдо бўлди. Янгиликни қўллаб-қувватлашни улар ўз зиммасига олишди. Юз тонна пектин, 2000 тонна озуқа ва 3000 тонна биологик ўғитни бир йилда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос лойиҳаси яратилади.

Олим бу орада ўзининг докторлик диссертациясини ёқлади. Ҳидоят Саломов изланишларини давом эттириб, оқ жўхори ўсимлигига эътиборни қаратди. Маълум бўлишича бу ўсимликнинг ёш поялари ширин сувга тўйинган бўларкан. Бу ҳом ашё биохимик усулда тозаланиб, тўйинган шарбат ишлаб чиқилди, мевали конфет — мазаси бўйича жуда ширин цукат яратилди. Бу конфетларни тайёрлашда олим яна бир хом ашё — оддий қовоқ ва жўхори ўсимлигидан тайёрланган шарбат концентратидан фойдаланди. «Янтоқ», «Ровоч», «Бахмал»

• Изланиш самараси

ичимликларини тайёрлашда ҳам маҳаллий хом ашё қўл келди. Олим ҳаммага маълум «Фанта»дан қолишмайдиган, баъзи жиҳатлари билан ундан устун турадиган ичимликни ишлаб чиқариш технологиясини яратишга эришди. Маҳаллий ўсимликлардан тайёрланган концентрат қўшилган бундай ичимлик олтин-қаҳрабо рангга ва хуштаъм мазага эга.

Бу ичимлик республика синов комиссиясида юқори баҳоланди.

Пектин моддасини қўллаш йўллари жуда кенг. Жумладан, сут маҳсулотларини ишлаб чиқаришда, зардобдан оқсил моддасини олишда ҳам қўл келади. Енгил саноатда газламаларга рангбаранг гуллар босишда, босмахоналарда эса хатни қоғозга сифатли туширишда асқотади. Шунингдек, пектиннинг яна бир хосиятиинсон танасидаги маъдан тузларни чиқариб ташлаши мумкин. Бу модданинг нўёблигини ҳисобга олиб, Фанлар академиямизнинг «Бекзод» жамоаси олим бошчилигида оқ карам баргидан ҳам пектин олиш технологиясини йўлга қўйишга имкон топди. Бу технологияга Москва шаҳрининг «Экопек» акционерлик жамияти қизиқиб қолди. Ҳозир «Гипропищепром-3» институти лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрламоқда.

Ҳидоят Саломовнинг , изланишлари асосида яратилган янгидан-янги таклифлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан ғўза пўчоғи, оқ карам баргидан олинган пектин ҳамда ичимликлар учун ўсимликлар концентрати ва жўхорининг тўйинган шарбатини олиш саноат ишлаб чиқариши учун кутилмаган ҳол бўлиб, бажарилиши жиҳатидан соддалиги билан диққатга сазовордир. Қани энди мамлакатимизда пектин заводлари қурилиши ва турли ичимликлар, қандолатчилик маҳсулотлари яратишда бундай имкониятларга кенг йўл берилса.

— Ўзбекистон замини саҳоватга жуда бойдир. Бу бойликлардан озиқ-овқат саноатини ривожлантиришнинг катта хом ашё манбаи сифатида фойдалансак, мақсадга мувофиқ бўларди. Биз четдан қандай қилиб, қай йўл билан кўпроқ озиқ-овқатларни олиб келишни эмас, балки табиатимизни ўрганиб, унинг бойликларидан дастурхонимизни тўкин қилиш ҳақида ўйлашимиз керак, — дейди техника фанлари докори Ҳ. Саломов.

**В. ЗАГРАДСКИЙ.**

## Спорт

**«КИМЁГАР»ГА НИМА БЎЛДИ?**

**● ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоаларининг Ўзбекистон миллий чемпионатида иштирок этаётган Олмалиқнинг «Кимёгар» ўйинчилари мухлисларни ранжитишмоқда.**

Бу жамоа Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари билан учрашувга бормагани учун 2 очко йўқотганди. Куни кеча бўлиб ўтган навбатдаги турда эса кимёгарчилар Шаҳрихондаги учрашувга ҳам боришолмади. Чемпионатда мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган Олмалиқ футболчиларига нима бўлди? «Нефтчи» жамоаси эса «Сўғдиёна» футболчиларини қабул қилди. Икки пешқадам жамоанинг бу учрашуви 2:2 ҳисобида тугади. Пахтакорчилар эса «Мароқанд» футболчиларини 2:1 ҳисобида енгишди. «Орол» — «Нурафшон» жамоалари учрашувида 0:1 ҳисоби қайд этилди. Ҳозир пахтакорчилар 32 очко билан олдинда боришмоқда. «Нефтчи» ҳисобида 31 та очко бор.

**ФИШЕР РОЗИ БЎЛАРМИКАН?**

**● ТАНИҚЛИ шахматчилар Роберт Фишер билан Борис Спасский ўртасида бўлажак учрашувнинг Югославияда 2 сентябрь куни ўтказишга мўлжалланганги мухлисларга аён.**

Лекин Югославиядаги вазиятнинг нотинчлиги бундай учрашувни ўтказишга имкон бермайдиган кўринади. Ваҳолонки, авлиё Стефан оролини танлаган Фишер Югославия таассуротларидан яна бир бор завқланмоқчи эди. Мазкур учрашувнинг ташкилотчилари Югославиядан бўлса-да, қизиқарли баҳсни Будапештда ўтказишга аҳд қилишмоқда. Қизиқ, бунга Фишер рози бўлармикан?

**ЧЕМПИОН УЙИНИ ЎМАРИШДИ**

**● БАРСЕЛОНА олимпиадасининг чемпиони, минсклик гимнастикачи Виталий Шербо ўйнга ўғри тушди.**

Ўғрилар бекорга спортчининг уйини танлашмаган. Боиси, улар олимпиада медаллари бу сафар соф олтиндан тайёрланганини яхши билишган. Лекин медалларни топишолмади. Ўрнига 20 минг доллар ҳамда бир неча минг Швейцария франки, қимматбаҳо радиоаппаратлар ва заргарлик буюмларини ўмаришди. Олтита олтин медаль эса чемпионнинг онасиникида сақланаётган эди.

**КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:**

**● ГАЗЕТАМИЗНИНГ 22 АВГУСТ ШАНБА СОНИ САККИЗ САҲИФАЛИ БЎЛИБ ЧИҚАДИ ВА «ОСИЁ БОЗОРИ» УМУМИЙ САРЛАВҲАСИ ОСТИДАГИ МАТЕРИАЛЛАР РЕСПУБЛИКАДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШ МАНБАЛАРИГА БАҒИШЛАНАДИ.**

**● ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА ИЖОДХОНАСИДА**

**● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР**

**● ИШЧИ ДАРДИНИ КИМ ЕШИТАДИ?**

**● БОЙВАЧЧАЛИКМИ ЁКИ НОНКУРЛИК?**

**● «ПОДПОЛКОВНИК НЕГА ИШДАН ОЛИНДИ?» МАҚОЛАСИГА АКС-САДО**

**● «Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 22 августда чиқади.**

**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ишлари Давлат қўмитаси ва Тошкент ҳудудлараро илмий-текшириш ва тажрибавий лойиҳалаш институти жамоаси институт директори

**Ҳусниддин Асомович АСОМОВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитаси Марказий Кенгаш аъзоси, ХДП Собир Раҳимов район кенгашининг биринчи котиби Ш. Ҳ. Асомовга отаси

**Ҳусниддин АСОМОВнинг**

бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради ва оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП, ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00.
№ 164. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.